

Райханов У.А. – Ўзбекистон Миллий университети “Макроиқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЧУҚУРЛАШУВИДА ЎРТА СИНФНИНГ РОЛИ

Ўрта синф тушунчаси узоқ тарихга эга ва у жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларга асосланган ҳолда такомиллашиб боради. Аксарият адабиётларда “ўрта синф” тушунчаси “янги ўрта синф” ёки “янги ўрта синфлар” терминлари сифатида талқин этилади¹. Фикримизча, замонавий ўрта синф – бу “эски ўрта синф” кўриниши эмас, балки умуман янги ижтимоий кўринишдир. Табиий савол туғилади: эски ва янги ўрта синфлар ўртасидаги фарқ нимадан иборат? Нима сабабдан иқтисодий адабиётда улар ўртасидаги фарқни тавсифлашга жиёдий эътибор берилади?

Америкалик олим Ч.Р.Миллс таъкидлашича, эски ўрта синфнинг янгисидан фарқи шундаки, уларнинг аксарият қисми даромад оладиган мулкка эга кичик тадбиркорлардан иборат бўлган. Европадан фарқли ўлароқ, Америкада ўрта синф қишлоқ буржуазиясидан иборат бўлган ва унга тегишли ер бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш воситаси, даромад манбаи ва инвестиция обьекти ҳисобланган. Ч.Р.Миллснинг фикрига кўра, “кичик тадбиркор учун ерга эгалик шунчаки “инвестиция” бўлмаган, у мустақил фаолият юритган, меҳнат ва мулки ёнма-ён бўлган. Унинг мулки ўзининг меҳнат кўнималарини ишлатиш обьекти ҳисобланган. Ижтимоий мавқеи эса кўп жиҳатдан у эгалик қилаётган мулкнинг ҳажми ва ҳолатига боғлиқ бўлган. Даромади мулкидан келаётган фойдадан келиб чиққан”². Шундай қилиб, “эски ўрта синф” биринчидан, мулкий жиҳатдан аниқланар эди; иккинчидан, унинг чегаралари шаффоф

бўлиб, аниқ белгиланган эди; учинчидан эса, унинг вакиллари ўзининг индивидуаллиги ва тадбиркорлик, бандлилик жиҳатидан давлатга ва юқори синфга тобе бўлмаган.

Фарб мамлакатлари иқтисодиётининг деиндустрлаштирилиши туфайли ёлланма ишчиларнинг кўпайиши хизмат соҳасида банд бўлган инсонлар миқдорини ошириб юборди. Р.Кромptonга кўра, “деиндустрналаштириш, технологик силжишлар, хизмат соҳасининг кенгайиши – анаънавий равишида ўрта синфи характерлаган касб эгалари ҳисобланган инженер, менежер ва бошқалар сонининг кескин кўпайишига олиб келди”³. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда қисқа муддатда мутахассисларни тайёрлашга эҳтиёж сезилган ва мазкур тор⁴ мутахассисликка эга ишчи ва техниклар сони сезиларли ўsgан эди. Ривожланган мамлакатларда уларнинг сони умумий бандликнинг 20%ини ташкил этган»⁵.

1 Н.Пулантсас ўрта синфи «янги буржуазия» сифатида аниқлайди (new petty bourgeoisie), С. Маллет – эса «янги ишчи синф» сифатида (new working class), Э. Гидденс «янги ўрта синф» (new middle class) сифатида талқин қиласи.

2 Wright Mills C. White Collar. The American Middle Classes. N.Y., Oxford, 1951, P. 9.

3 Crompton R. Op.cit. P. 150.

4 Қисқа муддатда ишчи ва хизматчиларни ўқитиш ва қайта ўқитиш орқали маълум мутахассислар тайёрлаш.

5 Pakulski J., Waters M. The Death of Class. L., 1996. P. 56.

Замонавий иқтисодий адабиётда ўрта синфа унинг таркибини аниқлашда турли хил қарашлар мавжуд¹. Ўрта синфнинг аниқ чегараларини белгилаш мураккаб ҳисобланниб, дастлаб унинг вужудга келиши омиллари ва иқтисодий ривожланиш динамикаси характерини ўрганиш лозим. Фикримизча, ўрта синфга нисбатан аниқроқ таъриф бериш учун унинг моҳиятини тўлиқ акс эттирувчи чора-тадбирлар, жамиятда аҳоли табақалари барқарорлигини таъминлашдаги ўрнини аниқлаш лозим. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда америкалик тадқиқотчилар У.Уорнер ва П.Лантлар мазкур мавзу юзасидан жиддий илмий изланишлар олиб борганлар². Улар ўрта синфи аниқлашда қуидаги сифат кўрсаткичларини эътиборга олиш зарур деб таъкидладилар:

-юқори даражадаги даромад ва кўчмас мулк ҳажми;

-ўз-ўзини идора қилиш, ташаббускорлик ва юқори иқтисодий фаоллик;

-яхши таълим билан боғлиқ бўлган юқори маданий-маърифий салоҳиятга эга бўлиш;

-оиланинг юқори қадр-қимматга эгалиги.

Ҳар бир мамлакатда ўрта синф шаклланиши унинг иқтисодий ривожланиши даражасидан келиб чиқсан ҳолда ўзига хос хусусиятларига эга бўлган. XXI аср охири ва ХХ бошларида У.Уорнер ва П.Лантлар томонидан таклиф этилган ўрта синфнинг сифат кўрсаткичларини қўллаб-қувватлашга кўплаб ривожланган мамлакатлар тайёр бўлмагани аниқ намоён бўлди. Жумладан, АҚШда урушдан кейинги йилларда ўрта синфи шакллантиришни жадал суръатлар билан амалга оширишда таълимнинг роли алоҳида аҳамият касб этди. 1980 йилда давлат университетларида таҳсил олаётган талабалар сони 12,1 млн. кишини ташкил қилган бўлиб бу кўрсаткич 1947 йилга нисбатан 2,3 млн. кишига кўп бўлган. 1950-70 йилларда АҚШда таълим учун умумий харажатлар 3,7 марта, шу жумладан бошланғич ва ўрта таълим учун 3,2 мар-

та, олий таълим учун 5,2 марта оширилди.³ Бироқ, XXI бошларида АҚШда олий маълумотга эга бўлиш қиймати ошиб борди, жумладан коллежларда таҳсил олишнинг ўртача йиллик қиймати 21 минг АҚШ долларига тўғри келиб бу америкаликлар ўртача даромадининг 40 дан 54% гача қисмини ташкил қилди.⁴ Бу эса ўз навбатида Америка ўрта синфининг қисқариши тўғрисида хулоса чиқаришга олиб келди. Бундай қисқариш натижасида Жини коэффициенти кўрсаткичлари ўзгариши кузатилди. Бу коэффициент 1980 йилдаги 0,4 дан 2005 йилдаги 0,44 гача ўсди⁵, шу даврда Францияда ушбу коэффициентнинг 0,36 дан 0,25 гача пасайиши кузатилди, Япония ва Нидерландияда ушбу кўрсаткич ўзгаришсиз қолди.⁶ 1990 йилларнинг ўрталарида Америка ўрта синфининг даромадлари даражаси бир вақтда аҳолининг бой қатлами даромадларининг 50%идан иборат бўлган. Швейцария, Нидерландия, Германия ва Бельгияда ушбу нисбат 58% ни, Скандинавия мамлакатларида эса (Дания, Швеция, Норвегия, Финляндия) 65% ни ташкил қилган.⁷

Камбағалликни камайтириш мақсадида халқаро молия институтлари томонидан ўрта синф тоифасига кунлик даромади 2 дан 10 АҚШ долларигача бўлган аҳоли қатлами киритилган.⁸ Мазкур ёндашув натижасида бугунги кунда дунёда 1,8 млрд. киши, жумладан, Шимолий Америкада – 338 млн., Европада – 664 млн. ва Осиёда – 552 млн. киши ўрта синфга киради.⁹ Бундай ёндашув бирмунча мунозарали ҳисобланади, чунки АҚШда кунлик даромад миқдори 13 АҚШ долларидан¹⁰ иборат бўлса, бу камбағалликнинг бошланиш чегараси ҳисобланади ва агар минимал даромад миқдорининг Америка стандартига риоя

3 Social Contracts Under Stress...

4 Schweninger S.R., Sherraden S. The American Middle Class Under Stress / New American Foundation. 2011. April. P. 10.

5 Wasow B. The American Middle Class in International Perspective / The Century Foundation. 2006. October 18.

6 Ўша манба. Р. 5.

7 Ўша манба. Р. 4.

8 Kharas H. The Emerging Middle Class in Developing Countries // OECD Development Centre Working Paper. 2010. No 285.

9 Ўша манба. Р. 15.

10 Kenny C. Where is the Virtue in the Middle Class? / Center for Global Development. 2011. November. P. 3.

1 Blumin S.M. Op. cit.; Goldthorpe J.H. Op. cit.; Cole G.D.H. The Conception of the Middle Classes // British Journal of Sociology. 1950. Vol. 1. No 4. P. 275—290.

2 Warner W.L., Lunt P.S. The Social Life of Modern Community. New Haven: Yale University Press, 1941; Warner W.L., Lunt P.S. The Status System of a Modern Community. New Haven: Yale University Press, 1942.

1-жадвал**Германияда ўрта синфнинг улуши динамикаси (%)**

Йиллар	Даромад медианаси		
	< 0,7	0,7-1,5	> 1,5
2000	17,8	64,0	18,2
2006	23,4	56,2	20,4

Манба: Grabka M. Op. cit. P. 24.

қилинса, ривожланаётган мамлакатларда 250 млн.дан ортиқ киши ўрта синф таркибига киради.¹ Иқтисодчи олим Н.Бёрдсал таърифиға кўра ўрта синф таркибига харид қобилияти паритети (ХҚП) бўйича кунлик жон бошига 10 АҚШ долларидан кам бўлмаган даромадга эга бўлган аҳоли тоифаси киритилади.² Сунъий равишда ўрта синф чегарасини аниқлаш ва уни кенгайтирилиши натижасида "бой" қатлам вакиллари тоифаси йўқолиши мумкин. Мана шундай ёндашувлар натижасида 2002 йилда АҚШда юқори синф вакиллари сони ойлик даромад миқдори 9504 АҚШ долларидан кам бўлмаган ҳолда 14 млн. кишини ташкил қилган, Хитойда эса 2005 йилда ушбу тоифага киравчилар шаҳарда ойлик даромади 372 АҚШ долларидан иборат бўлган ҳолда 26 млн., қишлоқ жойларида ойлик даромади 168 АҚШ долларини ташкил қилган 40 млн. кишидан иборат бўлган. Ҳиндистонда кунлик даромади 11 дан 55 АҚШ долларига бўлган 50 млн.дан 1,3 миллиардгача бўлган аҳоли тоифаси мазкур қатламни ташкил қилади.³

2007 йилда Жаҳон банки ўрта синфга 2000 йилдаги ХҚП бўйича 4000 АҚШ долларидан (Бразилия даражаси) 17 минг АҚШ долларигача (Италия даражаси) ўртача йиллик даромадига тенг бўлганларни киритиш таклифи ни берди.⁴ Ўрта синфи аниқлаш шкаласига уй хўжаликларининг жон бошига даромаднинг медианаси 0,75-1,25 оралиқда қабул қилинган.⁵ Жумладан, Германияда ўрта синф-

ни аниқлашда аҳоли жон бошига даромаднинг медианаси 0,7-1,5 диапазонда қабул қилинган.⁶ Қиёсий шкаладан фойдаланиш амалиётига ўрта синфи шакллантиришнинг бир неча кўринишлари вужудга келди. Масалан, 1990 йилларнинг ўрталарида Америкада ХҚП бўйича ўртача йиллик даромаднинг медианаси 28 минг АҚШ долларини, Швейцарияда – 30,6 минг АҚШ долларини, Германияда – 22,6 минг АҚШ долларини ва Швецияда – 18 минг АҚШ долларини ташкил қилди.⁷ 2000 йилнинг ўрталарига келиб эса мазкур кўрсаткич АҚШда 32 минг, Швецияда – 23 минг АҚШ долларини ташкил қилган ҳолда Бразилияда – 6,9 минг АҚШ долларидан иборат бўлди. Агар ўрта синф чегарасини белгилашда уй хўжаликлиари даромади медианасининг ярмидан икки баравар қийматигача бўлган оралиқни оладиган бўлсак, мазкур синфнинг аҳоли умумий сонидаги улуши АҚШда 58%, Швейцарияда – 84% ва Бразилияда – 44% ни ташкил қилади.⁸ Ушбу масала хусусида Германияда ўрта синф чегарасини аниқлашнинг ўзига хос амалиёт усули мавжуд. Тадқиқотларга кўра Германияда аҳоли таркибида ўрта синфнинг улуши нисбий таққослагандаги мутлоқ миқдори камайиш тенденцисига эга бўлмоқда (1-жадвал).

Ўрта синф улушкининг пасайиш тенденцияси Германия билан биргалиқда (2000 йилда 49 млн. кишидан иборат бўлган бўлса, 2006 бу кўрсаткич 44 млн. кишини ташкил қилган) барча саноат жиҳатдан тарақкий эт-

1 Kenny C. Op. cit. P. 3.

2 Birdsall N. The (Indispensable) Middle Class in Developing Countries; Or, The Rich and the Rest, Not the Poor and the Rest. Center for Global Development // Working Paper No 207 / Center for Global Development. Washington, DC, 2010. March. P. 4.

3 Birdsall N. Op. cit. P. 10.

4 Kharas H. The Emerging Middle Class in Developing Countries. P. 11.

5 Birdsall N, Graham C, Pettinato N. Stuck in Tunnel: Is Globalization Mudding the Middle? // Working Paper No 14 / Brookings Institution. Washington, DC, 2000. P. 11.

6 Grabka M. The Shrinking German Middle Class — Signs of Long Term Polarization in Disposable Income? // German Institute for Economic Research Weekly Report. 2008. No 4. P. 22.

7 Wasow B. The American Middle Class in International Perspective. P. 3.

8 Chauvel L. Between Welfare State Retrenchments, Globalization and Declining Returns to Credentials: The French Middle Classes under Stress. P. 30. www.columbia.edu/cu/alliance/documents/Calendar/ChauvelinNewmanmiddleclass.pdf

2-жадвал

Россияда ўрта синфи шакллантириш динамикаси (жорий баҳоларда, руб.)

Йиллар	Даромадлар чегараси		Улуши (%)
	Күйи	Юқори	
1995	3100	5200	30,2
2000	1350	2240	28,4
2005	4580	7630	26,1
2010	10540	17570	24,0

ган мамлакатларда ҳам кузатилмоқда. АҚШ иқтисодиётида даромад миқдори бүйича 1980 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда бандлар таркибида ўртacha даромадлилар улуши 52% дан 42% га пасайган ҳолда, паст даромадлилар улуши 30% дан 41 %гача ўсди.¹

Ушбу тенденция жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози даврида ҳам кузатилди. Унинг дастлабки белгилари 2002-2003 йилларда юқори технологияли компаниялар соҳасида инқизоз кузатила бошлаган даврларда намоён бўлди. Иқтисодиётнинг ушбу секторида ўрта синфи ташкил қилган, асосан ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ишчилар банд бўлган. Ҳозирги молиявий-иқтисодий инқизоз шароитида банк хизматчилари, суғурта ва ипотека компаниялари, турли инвестиция фондлари ходимлари, яъни ўрта синф вакиллари энг кўп зарар кўрмоқдалар.

Бугунги кунда иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ривожланаётган Хитой ва Ҳиндистонда ўрта синф вакиллари улуши нинг ўсиши тескари тенденцияга эга. «Маккензи» компаниясининг прогнозларига кўра, агар ҳозирда Хитойда йиллик даромади 3200 АҚШ долларидан кам бўлмаган шаҳарда истиқомат қилувчи уй хўжаликлари 77% ни ташкил қилаётган бўлса, 2025 йилга келиб уларнинг улуши 10% дан иборат бўлади. Шунингдек, 2010 йилда шаҳарда яшовчи ўрта синфнинг йиллик даромади 3,2-5 минг АҚШ долларидан иборат бўлган бўлса, прогнозларга кўра 2020 йилга келиб ушбу даражага 5-12,5 минг АҚШ долларигача кўпаяди². Қабул қилинган методологияга мувофиқ Ҳиндистон амалий иқтисодий тадқиқотлар Миллий уюшмаси томонидан йиллик ихтиёрдаги дарома-

ди 4380 дан 21890 АҚШ долларигача (ХҚП бўйича 2000 йилда йиллик даромади 23530 дан 117650 АҚШ долларига бўлганлар бунга мос келади) бўлган уй хўжаликлари ўрта синфа киритилади³. Мазкур маълумотларга кўра Ҳиндистонда 2025 йилга келиб ўрта синф вакиллари 583 мин. кишини ёки жами аҳолининг 41%ини ташкил қиласди⁴ ва ўрта синфа кирувчи ҳар бир оиланинг йиллик харажатлари тахминан 6600 АҚШ долларига ёки 2000 йилдаги ХҚП бўйича 35 минг АҚШ долларига етади, деб тахмин қилинмоқда.⁵

Россия Федерациясида охирги ўн беш йил мобайнида ўрта синф вакиллари улуши қисқармоқда. Социалистик тизим шароитида фуқаролар ижтимоий неъматлардан (таълим ва тиббиёт хизмати соҳаларида) деярли бир хил фойдаланишган бўлса, 1990 йиллардаги жадал суръатларда амалга оширилган бозор ислоҳотлари ва давлат томонидан ижтимоий функцияларнинг катта қисми бажарилмаслиги жамиятда ижтимоий-иқтисодий тенгсизликни келтириб чиқарди. Ижтимоий меъёrlарнинг пасайиши ўрта синфинг қисқаришига олиб келди⁶ (2-жадвал).

Турли манбаларнинг баҳолашларига кўра, Козогистонда ўтиш даврида ўрта синф жами аҳолининг 15%идан 25-30%игача қисмидан иборат. Маълумотларга кўра, ўрта синф вакиллари мамлакатдаги товар ва хизматларнинг 50%дан 80%гача бўлган қисмини истеъмол қиласди. Ўрта синф вакилларининг даромадлари жами аҳоли даромадларидаги улуши 1999 йилда 32,9%ни ташкил қиласган ҳолда,

3 Beinhocker E.D., Farrell D., Zainulbhais A.S. Tracking the Growth of India's Middle Class. 2007. August. P. 3. www.mckinseyquarterly.com.

4 Beinhocker E.D., Farrell D., Zainulbhais A.S. Tracking the Growth of India's Middle Class. P. 3.


5 Op. cit. P. 6.

6 Манба: www.fedstat.ru/indicator/data.do.

1 Schweninger S.R., Sherraden S. The American Middle Class Under Stress. P. 5.

2 Farrell D., Gersch U.A., Stephenson E. The Value of China's Emerging Middle Class // The McKinsey Quarterly. Special Edition. 2006. No 1. P. 62—63.

1-расм. Ўзбекистонда жамият таркибида ўрта синф улушининг ўсиб бориши, фоизда



2008 йилга келиб ушбу кўрсаткич 32%дан иборат бўлган¹.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистонда ўрта синфини шакллантиришга катта эътибор берилди. Чунки, бозор ислоҳотларининг чуқурлашуви ва жамиятда ижтимоий барқарорлик ушбу синф билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Бу борада Президентимиз И.А. Каримов: "Шуни унутмаслик керакки, ўрта синф улушкининг юқорилиги фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замини ва асоси, давлатнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигининг, одамларнинг ўз келажагига бўлган ишончининг муҳим омили сифатида қабул қилинади"², - дея таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистонда ўрта синфнинг шаклланиши ва ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим ўрин тутади. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари мазкур синфнинг асосини ташкил қиласди. Юқоридаги ҳолатларни эътиборга олиб, Президентимиз И.А. Каримов Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилашнинг қўйидаги сабабларини кўрсатиб ўтди³:

1 Рузанов А. Средний класс Казахстана: от потребительского отношения – к созиданию и профессионализму. NATIONAL BUSINESS, №5 (75) 2010. С. 34.

2 Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза.–Тошкент: "Ўзбекистон", 2013.-64-6.

3 Каримов И.А. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий

- кичик бизнес ички бозорни зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қиласди;

- кичик бизнес жаҳон ва минтақалар бозорларидағи талаб ва конъюнктура ўзгаришларига тез мослашади;

- кичик бизнесни ташкил қилиш ва юритиш катта харажат, капитал қўйилмаларни талаб этмайди;

- йирик корхоналарга нисбатан кичик бизнеснинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқизозининг таҳдид ва салбий оқибатларига бардош бера олиш қобилияти анча юқори;

- кичик тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси ҳамdir.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган чоратадбирларнинг қабул қилиниши, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфи шакллантириш ва аҳоли даромадларини ошириш имконини берди. Экспертлар фикрларига кўра, ўртача даромадга эга бўлганлар, агар 1991 йилда аҳолининг 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2001 йилда уй хўжаликларини тадқиқ этиш натижаларига кўра, бу кўрсаткич 24 фоизга етган. 2011 йилда эса 62 фоиз уй хўжаликлари ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга бўлган⁴ (1-расм).

тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти. // "Халқ сўзи". 15.09.2012.

4 Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг "Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир" рисоласини ўрганиш бўйича ўкув қўлланма. –Т.: "O'qituvchi" НМИУ, 2012. 53-6.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий тамоилиларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли ялпи даромадларининг изчил, барқарор ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

2012 йил якунларига кўра Ўзбекистонда оиласарнинг 97 фоизи ўз уйига эга, аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган, ҳар уч оиласдан бири шахсий енгил автомobiliга эга, аҳоли истеъмол маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланмоқда.

Шунингдек, ўтказилган тадқиқотларга кўра, 2012 йилда Ўзбекистонда аҳолининг 50 фоизга яқини ўрта синфи ташкил қилган. 2000 йилда ушбу кўрсаткич 24 фоиздан иборат бўлган¹.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрта синфи шакллантириш ва ривожлантиришнинг мунтазам кенгайиб бораётган базаси бўлиб хизмат қилмоқда деган хulosса қилиш мумкин.

Фикримизча, Ўзбекистонда аҳолини ўрта синфа киритишнинг қуйидаги мезонларини алоҳида ажратиш муҳим ҳисобланади:

- ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослашиш даражаси;
- саводхонлик ёки маълумот даражаси;
- даромад даражаси;
- хусусий мулкка эга бўлиш даражаси;
- юқори турмуш даражаси;
- инсоннинг жамиятдаги ўрни.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, ўрта синфсони ва таркибини аниқлашда у ёки бу мезонга устуворлик бериш чалкашликларни келтириб чиқариши мумкин. Табиийки, мазкур мезонларни ёки улар тўпламини танлаш миқдорий ва сифат жиҳатдан баҳолашларга боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида ўрта синфи устувор даражада ривожлантириш натижасида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- жамиятда ижтимоий барқарорлик таъминланади;
- аҳолининг жамиятда содир бўлаётган воқеаларга муносабати ўзгариб боради;
- солиқ базаси тўлдирилади ва ички инвестициялаш кўпайтирилади;
- аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-маданий хулқ-атвори ўзгаради.

Адабиётлар рўйхати:

Каримов И.А. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти. // "Халқ сўзи". 15.09.2012.

Каримов И.А. Бosh мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // "Халқ сўзи". 18.01.2013.

Рузанов А. Средний класс Казахстана: от потребительского отношения – к созиданию и профессионализму. NATIONAL BUSINESS, №5 (75) 2010.

Beinhocker E.D., Farell D., Zainulbhais A.S. Tracking the Growth of India's Middle Class. 2007. August.

Birdsall N, Graham C, Pettinato N. Stuck in Tunnel: Is Globalization Mudding the Middle? // Working Paper No 14 / Brooking Institution. Washington, DC, 2000.

Birdsall N. The (Indispensable) Middle Class in Developing Countries; Or, The Rich and the Rest, Not the Poor and the Rest. Center for Global Development // Working Paper No 207 / Center for Global Development. Washington, DC, 2010. March.

¹ Каримов И.А. Бosh мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // "Халқ сўзи". 18.01.2013.

- Blumin S.M. Op. cit.; Goldthorpe J.H. Op. cit.; Cole G.D.H. The Conception of the Middle Classes // British Journal of Sociology. 1950. Vol. 1. No 4.
- Chauvel L. Between Welfare State Retrenchments, Globalization and Declining Returns to Credentials: The French Middle Classes under Stress.
- Farrell D., Gersch U.A., Stephenson E. The Value of China's Emerging Middle Class // The McKinsey Quarterly. Special Edition. 2006. No 1.
- Grabka M. The Shrinking German Middle Class — Signs of Long Term Polarization in Disposable Income? // German Institute for Economic Research Weekly Report. 2008. No 4.
- Kenny C. Where is the Virtue in the Middle Class? / Center for Global Development. 2011. November.
- Kharas H. The Emerging Middle Class in Developing Countries // OECD Development Centre Working Paper. 2010. No 285.
- Pakulski J., Waters M. The Death of Class. L., 1996.
- Schweninger S.R., Sherraden S. The American Middle Class Under Stress / New American Foundation. 2011. April.
- Warner W.L., Lunt P.S. The Social Life of Modern Community. New Haven: Yale University Press, 1941.
- Warner W.L., Lunt P.S. The Status System of a Modern Community. New Haven: Yale University Press, 1942.
- Wasow B. The American Middle Class in International Perspective / The Century Foundation. 2006. October 18.
- Wright Mills C. White Collar. The American Middle Classes. N.Y., Oxford, 1951.
- Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва курсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам.-Т.: «Ўзбекистон», 2011.- 140 б.